

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ҚИЛИШ АСОСИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ТАРКИБИЙ ЎЗГАРТИРИШЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ

У.Холмунинов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

Ў.Икромов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали
Бизнесни бошқариш таълим юналиши 3-босқич талабаси

О.Н.Хаитов

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Каттақўргон филиали
ассистенти

Аннотация:

мазкур мақолада саноат корхоналарида ходимлар фаолияти самарадорлигини ошириш маъмурий ишчилар нисбатини оптималлаштириш, персонални тайёрлаш ва малакасини оширишни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, иш вақти йўқолишини камайтириш билан боғлиқдир. Иш вақти фондининг максимал фойдаланиш коэффициенти (бундан кейин персоналдан фойдаланиш коэффициенти деб юритилади) меҳнатнинг мазмунини тавсифлайди.

Таянч сўзлар: саноат корхоналари, қимматли қоғозлар, капитал бозори, инвестициялар, инновациялар, инвестиция фаолиятига таъсир қилувчи омиллар, солиқ концепцияси, солиқ имтиёзлари, савдо ва бож тарифлари.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги. Ҳозирги кунда Республикамиздаги макроиқтисодий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган қишлоқ хўжалиги тармоғини жадал ривожлантириш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Чунки, бу тармоқда фаолият юритаётган фермер хўжаликларининг асосий воситалар билан таъминланганлиги ва техник-технологик қуролланиши даражасининг пастлиги, жонли меҳнат сарфининг юқорилиги натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги камайишига олиб келмоқда.

Ҳозирда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг механизациялашганлик даражасини ошириш, аста-секинлик билан уни саноат асосига ўтказиш борасида ишлар олиб борилаяпти. Бу қишлоқ хўжалиги тараққиётининг объектив йўналишларидан биридир. Маълумки, асосий фондларсиз ҳозирги замон ишлаб чиқаришини ташкил этиш мумкин эмас.

Тадқиқот мавзусидаги мавжуд муаммолар. Айни дамда аксарият қишлоқ хўжалиги


корхоналарининг техника ва механизмлар билан таъминланмаганлиги ҳамда фондлар билан қуролланиш даражасининг пастлиги мазкур тармоқда меҳнат сиғимининг юқорилиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоларини кучайтирмакда. Бу эса иқтисодий эркинлаштириш шароитида қишлоқ хўжалигида инвестицион жараёнларни молиялаштириш ва фермер хўжалиқларининг инвестицион маблағлари бюджетини тадқиқ этиш билан боғлиқ бир қатор янги муаммоларни келтириб чиқармакда. Шу сабабли фермер хўжалиқларида инвестицион ресурсларни жалб этиш хусусиятларини, молиялаштириш манбалари, шакллари ва услубларини тадқиқ этиш илмий-амалий аҳамиятга эга муҳим масалалардан биридир.

Ҳозирда мамлакатимиз ҳудудларининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган асосий тўсиқлардан бири – ҳудуд иқтисодий реал секторига киритилаётган инвестицияларнинг етарли эмаслигидир. Ҳудудлар инвестицион сиёсатини ишлаб чиқишда уларнинг инвестицион жозибadorлиги асос бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда республикаимиз ҳудудлари (айниқса, қишлоқ ҳудудлари)нинг инвестицион жозибadorлиги етарлича паст бўлиб ҳисобланади. Мамлакатимиз ҳудудлари инвестицион жозибadorлигини баҳолаш методологияси етарлича ишлаб чиқилмаган ва такомиллаштиришни талаб этади. Айнан шу сабабдан ҳам, ҳудудлар инвестицион жозибadorлигини баҳолаш ва уни ошириш манбаларини аниқлаш масаласи ҳам назарий жиҳатдан, ҳам амалий жиҳатдан етарлича долзарб ҳисобланади.

Муаммони ҳал қилиш усуллари. Мамлакат ҳудудлари инвестицион жозибadorлигини аниқлаш борасида мавжуд ёндашувлар ва методикаларни тадқиқ этиш натижасида ўзига хос методика шакллантирилди. Унга кўра, ҳудуд инвестицион жозибadorлигига таъсир кўрсатувчи омиллар (кўрсаткичлар) гуруҳларининг умумлашган ҳолдаги таснифи ишлаб чиқилди (1-расм). Ҳудуд инвестицион жозибadorлигини баҳолашнинг ушбу кўрсаткичлар тизими барча соҳаларни қамраб олади ва унда инвестиция киритиш натижасининг турли томонлари ҳамда инвесторларнинг турли ҳошиш-истаклари (қизиқишлари) инobatга олинган.




1-расм. Ҳудуд инвестицион жозибadorлиги кўрсаткичлари таркиби⁹⁵



2-расм. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестицион жозибadorлик рейтинги (2017 йил 1 январь ҳолатидаги статистик маълумотлари асосида)⁹⁶

Бунда ҳудуд инвестицион жозибadorлигининг интеграл ва рейтинг баҳолашини амалга ошириш асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инвестицион жозибadorлик рейтинги 2017 йил 1 январь ҳолатидаги статистик маълумотлар бўйича аниқланди (2-расм).

3-расмда келтирилган ҳудудлар инвестицион жозибadorлигини баҳолаш методикаси бир қатор ўзига хосликларга эга бўлиб, хусусан, тизимлар назариясининг тартибларидан фойдаланилган, яъни элементлар хилма-хиллигининг зарурлиги, минимал етарлилик ва уларнинг мақсадга йўналтирилганлиги тамойиллари асосида ҳисоб-китоб қилинган.



1.5-расм. Қишлоқ хўжалигида инвестициялар самарадорлигини тадқиқ этиш методикаси

*Манба: Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Аграр соҳада инвестицион фаолият механизми тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шаклланади. Бунда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос иқтисодий қонуниятлари мавжуд.

Биринчидан, қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш табиатдаги табиий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқдир. Бунда зарурий элементлар сифатида тирик организмлар (хайвонлар, ўсимликлар, микроорганизмлар), шунингдек тупроқ, биологик омиллар билан боғлиқ бўлган ҳосилдорлик

кабилар ҳисобга олинади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, бу соҳада инвестицион фаолият механизмини шакллантиришда уларнинг ривожланиш қонуниятлари таъсирини ҳисобга олиш зарурати юзага келади.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалиги тармоғида фаолият даврининг узлуксиз ишлаб чиқариш даврига мувофиқ келмаслиги бу тармоқ ишлаб чиқариши мавсумий характерга эга бўлганлиги билан белгиланади. Шу сабабли тармоқда ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги ишлаб чиқаришни ташкил этишга, техника ва технологиялардан, меҳнат ресурсларидан ҳамда инвестицион маблағлардан самарали фойдаланишга жиддий таъсир кўрсатади.

Учинчидан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бош омили бўлиб

—ер ҳисобланади. Тупроқ унумдорлигининг фарқи ва етиштирилган маҳсулотни сотиш пунктигача етказишга нисбатан хўжаликнинг жойланиши инвестиция қўйилмаларидан

олинадиган даромадлар учун бир хил шароит яратмайди.

Туртинчидан, қишлоқ хўжалигининг муҳим хусусияти шунданиборатки, яратилган маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади, яъни ғалла, картошка ва бошқа экинларнинг бир қисми уруғлик учун фойдаланилади. Шунингдек, етиштирилган маҳсулот кўчат сифатида, чорва моллари учун озуқа сифатида ишлатилади ҳамда чорва молларининг бош сонининг талайгина қисми подани қайта тиклаш ва кенгайтириш учун ишлатилади. Шу мунособат билан молхоналар ва ишлаб чиқаришга мўлжалланган объектлар қуриш учун кўшимча инвестиция қўйилмалари талаб этилади.

Бешинчидан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш кенг майдонларда амалга оширилади ва турли хил иқлим зоналари бўйича тарқалгандир.

Олтинчидан, қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш ҳам ўзига хос хусусиятга эга, яъни бу ер майдонларининг худудий кенглик омиллари билан ва ишлаб чиқаришнинг мавсумийлик характери билан боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигида тармоқнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда инвестицион фаолиятни амалга оширишнинг самарали иқтисодий механизми қўйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Аграр соҳада инвестициядан фойдаланишни асосий йўналишларининг умумий тамойиллари бу соҳадаги пировард натижалар ва хусусий тамойилларга бевосита таъсир кўрсатади. Улар аниқ ижтимоий-иқтисодий, табиат, техник омиллар таъсири остида аниқ йўналишлар ва объектлар бўйича инвестицияларни жойлаштиришни юзага келтиради. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришда ишлаб чиқариш устун ривожланган туманларда бошқа туманларга нисбатан халқ истеъмоли товарлари билан таъминлаш ва жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини олиш ва уларни реализация қилиш бўйича тенг бўлмаган ҳолатлар мавжуддир.

1-жадвал Инвестициялар жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартиришнинг самарали иқтисодий механизмлари⁹⁷

Инвестициялар жалб қилиш асосида қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартиришнинг самарали иқтисодий механизмлари	Қишлоқ худудларининг инвестицион салоҳиятини аниқлаш. Қишлоқ худудлари хусусиятларига кўра инвестицион жозибадорликни ошириш. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида инвестицияларни жалб қилиш асосида замонавий янги иш ўринларини яратиш. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожланишини таъминлаш чора- тадбирларини ишлаб чиқиш. Янги иш ўринлари яратган қишлоқ хўжалиги корхоналарига солиқ ва кредитлар бўйича имтиёзлар беришни такомиллаштириш. Қишлоқ худудларида инвестицион фаолият субъектларининг рейтингини баҳолаш ва мунтазам ўтказиб бориш бўйича ахборот-аналитик марказлар яратиш ва ривожлантириш. Қишлоқ хўжалигида инновацион инвестицияларни кенгроқ жалб қилиш бўйича венчур фондини ташкил этиш. Қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш. Қишлоқ хўжалигида молиявий лизингни ривожлантириш. Қишлоқ хўжалигини инвестициялашнинг ички имконият-ларидан самарали фойдаланиш. Қишлоқ хўжалигида антимонопол чоралар қабул қилиш. Қишлоқ хўжалигини инвестициялаш учун кредитлашда амал қиладигангаровдан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш.
--	---

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ислоҳ қилиш даврида инвестициялар ҳажми ва иқтисодий ўсиш омиллари ўртасидаги муносабатлар ўзгаради. Янги қишлоқ хўжалиги технологияси ва техникасини жорий қилиниши аграр соҳада материал сиғими ва фондлар сиғимининг камайишига ҳамда бунинг натижаси ўлароқ фондлар кайтими ва маҳсулот сифатининг ошишига олиб келади. Қишлоқ хўжалиги якуний натижаларини назардан, кўрсатилган жараёнлар пировард маҳсулот бирлигига харажатларнинг камайишига, жонли меҳнат сарфининг қисқаришига ва бу соҳада инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини аниқловчи кўрсаткичлар ўсишига эришилади.

Шунинг учун инвестициялашнинг шакл ва усуллари доимо такомиллаштириб борилади. Бу жараён қишлоқ хўжалиги кўламининг кенгайиши, унинг таркибий тузилмаларининг мураккаблашуви, тармоқлараро, тармоқ ичида ҳамда ҳудудий звенолар ва уларнинг ўзаро алоқалари билан шартланади. Масаланинг моҳияти шундаки, қишлоқ хўжалигида инвестициялаш жараёнини кучайтириш тармоқда ишлабчиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ечиминитезлаштиради.

Илмий асосланган таклиф ва тавсиялар. Тартибга солинадиган бозор муносабатлари тизимига ўтиш инвестициялар самарадорлиги билан боғлиқ муаммолар ечимини ҳал этишга ёндашишни зарурат этади. Шунинг учун инвестициялар натижавийлигини баҳолаш усуллари бўйича уларнинг самарадорлигини аниқлашнинг янги кўрсаткичларини ишлаб чиқиши керак. Бироқ, улардан амалиётда фойдаланиш қуйидаги сабабларга кўра жиддий таъсир кўрсатмайди:

— қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш хусусиятларини етарлича ҳисобга олинмаслиги;

— мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида паст рентабеллик омиллари ва маҳсулот ишлаб чиқариш объектив шарт-шароитларининг эътиборга олинмаслиги.

Аграр соҳада инвестициялардан самарали фойдаланиш маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига ва тармоқнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш изчиллигини таъминлаш имкониятини юзага келтиради. Инвестицияларнинг шаклланиши ва тақсимланишида турли шакл ва усуллардан фойдаланилади.

Биринчи шаклда икки ёки ундан ортиқ ҳудудлар узоқ муддатли эҳтиёжларни қондириш мақсадида ўз ҳудудларида хусусий ресурслардан фойдаланиш жараёнига инвестициялашни амалга оширадilar.

Иккинчи шаклда мавжуд муаммоларни биргаликда ҳал қилиш учун республика миқёсида инвестицияларни тақсимлаш амалга оширилади. Бунда ишлаб чиқариш қувватлари тайёрланган маҳсулотдан фойдаланишга манфаатдор бошқа ҳудудлар иштирокида бир ҳудудда яратилади.

Учинчи шаклда манфаатдор ҳудудлардаги корхоналарнинг мавжуд имкониятларига мувофиқ ҳолда биргаликда инвестициялаш жараёнини амалга оширилиши тушунилади.

Шунинг учун инвестициялашнинг шакл ва усуллари доимо такомиллаштириб борилади. Бу жараён қишлоқ хўжалиги кўламининг кенгайиши, унинг таркибий тузилмаларининг мураккаблашуви, тармоқлараро, тармоқ ичида ҳамда ҳудудий звенолар ва уларнинг ўзаро алоқалари билан шартланади. Масаланинг моҳияти шундаки, қишлоқ хўжалигида инвестициялаш жараёнини кучайтириш тармоқда ишлабчиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ муаммолар ечиминитезлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш (монография).
– Т.: «Fan va texnologiya», 2017, - 270 б.
 2. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма / проф. А.В.Вахабовнинг умумий таҳририостида. – Т.: Молия, 2010. 328 б.
 3. Паланкоев А.М. Инвестиционные ресурсы фондового рынка. - М.: Издательский Центр «Акционер», 2001.
 4. Холмўминов Ш.Р., Хомитов К.З. ва б. Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлашнинг назарий ва амалий асослари (монография). –Т.: “Инновационривожланиш нашриёт-матбаа уйи”, 2018. - 160 бет.
 5. Эргашев И.И. Хизмат кўрсатиш соҳасида инновацион-инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш. / Дисс. PhD. – Самарқанд. 2018. 111-б.
 6. http://economy_en_ru.academic.ru/29533/hands-on_management_style
 7. World Employment and Social Outlook Trends 2017 (WESO).P.6. Электронманба://
www.ilo.org
 8. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги маълумотлари. <https://kun.uz/13784540>
- World Employment and Social Outlook 2017: Sustainable enterprises and jobs: Formal enterprises and decent work International Labour Office – Geneva: ILO, 2017.